



1917 йилги февраль инқилоби ва Туркистон



Февраль инқилобининг Туркистондаги рус идорасига таъсири

Рус социал-демократлари, конституцион демократлар (кадетлар) ва ижтимоий инқилобчилар 1917 йил 12 мартда (эски ҳисобда 27 февралда) бошлаган инқилоб 300 йиллик Романовлар силсиласи ҳокимиятига якун ясади. Бу ўзгаришни аввал туркистонликлар эзилган миллат сифатида зўр қувонч билан қаршилашди. Бирок февраль инқилоби (Тадқиқотда «февраль инқилоби» қайди қабул қилинган. Чунки инқилоб янги замон ҳисобига ўтган болшевиклар тарафидан эски ҳисоб бўйича февралда амалга оширилган. Манбаларда, асосан, март инқилоби эмас, балки февраль инқилоби сифатида қўлланилади.) дан туркистонликлар қутган ўзгаришлар бўлмади, бўлмасди ҳам. Социал-демократлар ҳукуматининг дастлабки кўрсатмаси «Барча маъмурлар ва аскарлар жой-жойида қолади» (Мадаров К., Контрреволюция и временное правительство. «Коммунист», 1935, No 3, 27-6.) деган мазмунда эди. Бу кўрсатма чор Русияси қўшини ва маъмурларига Туркистонда эски вазифаларини қонуний равишда давом эттиришларига қатъий қарши эди. Биринчи жаҳон урушининг бир неча саркардалари хизмат йилларининг бир қисmini қўшин таълими учун қулай имкониятга эга бўлган Тошкентда ўтказган эди (Керенский ҳукуматига қарши 1917 йил июлида қўзғолон бошлаган генерал Корнилов Тошкентда оддий юзбоши эди. Керенскийнинг ўзи олий таълимни Тошкентда олган. Отаси Тошкентда ўқув тафтишчиси эди.). Туркистоннинг бу бошқентини ҳар жиҳатдан Русиянинг ҳарбий маркази вазифасини ўтади. Улар Туркистондаги рус ҳокимиятини шу шаҳардан туриб муҳофаза қилишга киришдилар.

Ок подшонинг ағдарилиши умумий ахволни бироз огирлаштирди. Чунки Тошкентда руслар ва уруш кочоклари мамлакатни талон-торож киларди. Харбий хизмат учун зўрлаб сафарбар килинган туркистонликлар эса юборилган жойида колдирилди. 1917 йилнинг бошларида яна 6000 туркистонлик урушга йўл олди. Февраль инкилобидан сўнг улар аросатда колдилар («Кизил Ўзбекистон» 17.4.1935.). Йўл кийинчиликлари туфайли юртларига кайта олмасдилар. Чор Россияси тузуми йикитилганидан сўнг ҳам Туркистонда миллий-сиёсий ҳолат эскича колаверди. Еттисувда кўзғолон ҳамон кучсиз ва ахён-ахёнда бўлса ҳам давом этмокда эди. Руслар аввалгидек ўзларини «мамлакатнинг хўжайини» деб биларди. Кўшин ва янги келган аскарлардан ташкари ўзларини туркистонлик-лардан «химоя килиш» учун курол билан таъминланган рус кўчиб келувчилари ҳам ерлик халқнинг жоловини ушлаб туришга ёрдам берди. Инкилобдан сўнг киска даврда дастлабки каршилиқ ҳаракатлари яна юзага чиқа бошлади. 1917 йил 28-30 мартда Думанинг мусулмон миллат вакиллари Петербургда бир йигилиш уюштирдилар. Бу йигинда бутун турклар ва мусулмонларнинг Русиядаги бошқа миллатлар каторида сиёсий, иқтисодий ва маданий жихатдан тенг ҳуқуқли бўлиши истаги билдирилди. Бу ерда бир алоҳида конгресс чакирилиши учун қарор килинди ва унинг ташкилий хайъати сайланди («Ташкилот комиссияси» ўзини расман «Русия мусулмонларининг муваккат марказий бюроси» дерди, 121-6.). Март ойининг охирида руслар Тошкентда ташаббусни ўз қўлларига олиб, «Ишчи, аскар ва дехкон шўроси»ни тузди. Бу шўрода туркистонликлар юздан бешни ташкил этарди (Чўкай ўғли. 1917 йил Хотира парчалари. Берлин - Париж, 1937, 27-6.). Бундан атиги бир ой муқаддам «олий хазратлари номидан» гап бошлайдиган русиялик маъмурлари энди инкилоб номидан гап бошлашадиган бўлишди. Шўронинг рус вакиллари: 1898 йилги Андижон кўзғолонидан сўнг намоз учун жомега тўпланган мусулмонлар саждага бош қўйганларида бошларини оёқлари билан эзган генерал Духовский, 1864 йили хали ёш офицер вақтида «туркистонлиларга қарши ваҳшийларча муносабатда бўлишни ва сурункали равишда рус муштини кўрсатиб туришни» (Ўша асар (10) 25-6.) буюрган генерал Айванов ва 1914 йили «Туркестанские ведомости»да «Рус мужиги ва Туркистон» мақоласида «Рус мужигининг чориги туркистонлик мўътабар кишидан улугроқдир» (Ўша асар (10) 25-6.) деб ёзган генерал Самсоновлар эди. Бир пайтлар бу генераллар жоме масжитларига ок подшонинг сувратини осиб, унинг номига дуо қилишни буюрган эдилар. Булардан бошқа яна бу шўрога, рус маъмури ёки офицерига дуч келган ҳар бир туркистонликнинг тиз чўкиб саломлашишини амр этган генерал Мартенс ҳам аъзо бўлди (Ўша асар (10) 25-6.). Туркистонда Русия сиёсатининг ўзгартирилишини бу шўро аъзоларидан кутиш мумкин эмасди, албатта. Инкилобчи рус ҳукумати «Туркистон идорасини янгидан ташкиллаштирди». Апрельнинг бошларидан ҳарбий ҳукумат бекор килинди ва «Муваккат ҳукумат анжумани»ни тузиш Шчепкин деган одамга топширилди. Бу инсон узок вақтдан бери Туркистонда улуг мартабаларда хизмат кўрсатиб келган ва Туркистонни мустам-лакага айлантиришнинг ашаддий ташвиқотчиси эди. У ташкил этган ҳукумат қуйидагилардан иборат эди: Преображенский, Зияпковский, Елпатовский, Шкапский, генерал Давлатшин, Садри Максудий, Мухаммаджон Тинишбоев, Алихон Бўкейхон (Castagne, ce Turkistan, RMM, 50,37-бет. Туркистонни бошқариш усулини янгилаш учун масъул 9 аъзоси бўлган анжуман ташкил этилди. Уларнинг олтитаси Ўрусия муваккат ҳукумати томонидан, учтаси ўлканинг шўро ташкилотлари томонидан тасдиқланарди.). Ҳукуматнинг бу тўққиз нафар аъзосидан Бўкейхон Тошкентда яшамасди. Бошқа

аъзолари хакида куйидагиларни айтиш мумкин: Щепкин кадет партиясининг энг эски аъзоларидан эди, Преображенский рус ижтимоий ўзгаришлар партияси аъзоси эди; Зияпковский Тошкентда дастлаб лицей очган ва Туркистон масалалари билимдони сифатида Керенский таклифи билан ҳукуматга киритилган эди. Елпатовский инкилобдан атиги бир йил аввал Туркистонга келган ва мамлакат хакида ҳеч қандай тушунчаси йўқ эди. Шкапский социал-демократик партияси аъзоси бўлиб, Туркистонни яхши биларди.

Муваккат ҳукумат анжумани (комитети)нинг туркистонлик вакиллари куйидагилардир: татар кавмидан, кадет партияси аъзоси генерал Давлатшин. Унинг куйидаги фикри диққатга сазовор: «Мен бир аскарман, сиёсат билан мутлако ишим йўқ» (УТ, 1936, №83,17-6.). Садрӣ Максудий (татар) - Дума миллат вакили. Мусулмонлар орасида обрӯси баланд бўлиб, сиёсий жихатдан кадет партияси кўрсатмалари асосида иш кўрарди. Тинишбаев (козок) - Дума миллат вакили, айни замонда Алаш Ҷрда ҳаракати бошчиларидан. Бу уч туркистонлик анжуманда ҳал қилувчи қуч ҳосил қила олмадилар. Чунки кўпчилиқни ташқил қилувчи руслар туркистонлик аъзоларнинг таклифлари амалга ошишига тўсқинлик қилдилар. «Муваккат ҳукумат анжумани» Щепкин бошчилигида қерақлиқча иш қила олмади. Чунки Тошкентдаги «Ишчи, аскар ва дехқон шўроси» билан ораларида сиёсий ҳокимлик учун рақобат бошланди. Щепкинга ўз ташқилоти билан шўрога тобе бўлиши таклиф қилинди, бироқ бу таклиф рад этилди. Чунки шўроларнинг ҳукумат анжумани парламент аъзоларидан ташқил топганлиги учун уни ўз назоратидаги аҳамиятли бир ташқилот сифатида ижрочилиқ билан шугулланишини истарди. Бу ҳолатга қарши Щепкин туркистонликлар ишончини қозонишга интилди, бироқ муваффақиятга эришолмади. Шу муносабат билан Мустафо Чўқай шундай деганди: «Унга ёрдам бермаймиз, аммо бу ҳукумат анжуманига қарши ҳеч бир тадбир қўллаш ниятимиз ҳам йўқ» (Чўқай ўғли (10), 19-6.). Зеро, маҳаллий халқнинг эмас, балки Русия манфаатини қўзлаган Вактли ҳукумат анжуманининг халқ томонидан қўллаб-қувватланиши тушунарсиз ҳам бўларди. Туркистондаги рус қуроли қучлари ҳукумат анжумани идорасида бўлганлиги учун ҳам унга қарши очикча қурашишнинг иложи бўлмади.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан